



Global Support Local Knowledge

Аудиторлик Ташилоти
**«NAZORAT
AUDIT»**

29 АПРЕЛ 2023 ЙИЛ

Аудиторлик
Хисоботи

«Амударё пахта
тозалаш»
Акциядорлик
жамияти

2022 йил
якуни
бўйича

I. КИРИШ ҚИСМИ

Аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

Аудиторлик ташкилотининг тўлиқ номи	МЧЖ «NAZORAT-AUDIT» ташкилоти	Аудиторлик
Юридик манзили ва телефон рақамлари	Тошкент шаҳри, Госпитал даҳаси 11/2, тел: +99895 1447455, тел/факс: +99871 1502301	
Давлат томонидан рўйхатдан ўтган гувоҳнома	Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 11.12.2007 йилда №545 сонли гувоҳномаси билан рўйхатдан ўтказилган.	
Аудиторлик фаолияти лицензияси	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 28 июль 2008 йилда берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда Аудиторлик текширувини ўтказишга руҳсат берувчи 00067-сонли Лицензия.	
Банк реквизити	Х/р 20 208 000 604 400 007 713 001, «Davrbank» ХЕАТБ Чилонзор филиали, МФО 01046 202884570 6902	
СТИР		
ХХТУТ		
Аудиторлик ташкилоти директори:	Назаров Баходир Нематович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 26-апрелда берилган №05207 аудитор малака сертификатига эга.	
Аудиторлик тешируви учун асос	2023 йил 07-апрел кунги № 95/07-23 сонли шартнома.	
Аудиторлик ҳисоботини тақдим қилинган сана	21 –апрел 2023 йил.	

Аудиторлик текшируви ўтказилаётган жамиятнинг реквизитлари:

Жамият ва ташкилотининг тўлиқ номи	«Амударё пахта тозалаш» акциядорлик жамияти (кейинги матнларда «жамият» деб юритилади)
Юридик манзили ва телефон рақамлари	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани «Ок-олтин» ОФЙ;
Давлат томонидан рўйхатдан ўтган гувоҳнома	Ўзбекистон Республикаси, Амударё тумани Ҳокимлиги ҳузуридаги «Давлат хизматлари маркази»дан 2018 йил 22- ноябрда № 01099 сонли реестр билан рўйхатга олинган ва гувоҳнома берилган, асосий ишлаб чиқариш бўйича 17111 рақамли коди берилган.
Банк реквизити	Х/р 20 210 000 900 416 991 001, Мангит шаҳар



СТИР
ХХТУТОАТБ «AGROBANK» Мангит филиали, МФО 00619
200950919
17111.

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туман «Амударё пахта тозалаш» АЖининг 2022 йил молиявий ҳўжалик фаолияти юзасидан тузилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари, ҳамда у билан боғлиқ бошқа молиявий ҳужжатларини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Аудиторлик текшируви «Амударё пахта тозалаш» АЖининг раиси Низаматдин Розобаев Ражапбаевичнинг хабардорлигида, ҳамда бош ҳисобчи Н.А.Бобожоновнинг бевосита иштирокида ўтказилди.

Текширилган даврда, барча кирим чиқим ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан акциядорлик жамияти бош директори вазифасида Низаматдин Розобаев Ражапбаевич 2019 йил 09-сентябридан шу кунгача ишлаб келмоқда шунингдек иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи бўйича бош ҳисобчи вазифасида бош ҳисобчи в.в.б. бўлиб Суюнш Узақбаев 2019 йил 26-августидан бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келган, Бобожонов Нодир Азатович жамиятнинг 2021 йил 05-феврал кунги 4-К-сон бўйруғи асосида бош ҳисобчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Аудиторлик текшириш жамият раҳбарияти томонидан тақдим қилинган бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари танлов усули асосида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29-январдаги Ф-5537-сон фармойиши билан ташкил қилинган коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурига асосан жамиятнинг ҳисоботларининг асосий қисмини масимал даражада масофадан туриб («онлайн»режимида масофавий тарзда) олинган маълумотлар асосида ҳисобот тузилди.

Аудиторлик ҳисоботи бўйича аниқланган маълумотлар махфий ҳисобланиб, маълумотларни сир сақланиши учун аудиторлик ташкилоти жавобгар ҳисобланади.

«Жиддийлик даражаси ва аудиторлик таваккалчилиги Ўзбекистон Республикаси №9 сонли «муҳимлик ва аудиторлик таваккалчилиги» аудит миллий стандартига асосан жамиятнинг молиявий ҳисоботларига асосан жиддийлик даражасининг энг мақбул миқдорини аниқланди. Аудиторлик ҳўласасини тайёрлашни назарда тутадиган аудитни амалга ошириш пайтида мазкур стандарт талаблари аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий талаблар ҳисобланади.

АФМСга асосан миқдор тушунчасида молиявий ҳисоботнинг текланган даражада бўлиши бўлиб топилади. Миқдорни аниқлаган вақтда бизлар тамондан жамиятнинг 2022 йил учун молиявий ҳисоботнинг туғрилигини тарифловчи кўрсаткичлар олинди.

	Базовий кўрсаткич, минг сўм.	Критери, %	Жиддийлик даражасини аниқлашдаги кўрсаткичлар миқдори минг сўмда
Солиқ тўлагунга қадар фойда	47 057	4	1 882
Сотидан соф тушум	354 259	3	10 628
Хусусий капитал тақсимланмаган фойдани чегирилган ҳолда	17 546 249	2	350 925
Жами активлар	36 773 405	5	1 838 670
Жиддийлик даражасининг энг макбул миқдори			2 202 105
Аудит ўтказишдаги аниқлик даражаси			
Пул миқдоридаги аниқлик кўрсаткичлари			412 895

Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботлари миқдорий ва сифат кўрсаткичлари асосида жиддийлик даражасининг миқдори 412895 минг сўм ҳисобланди.

Жамиятнинг ҳуқуқий асослари, тузилиши ва фаолияти.

I. КИРИШ ҚИСМИ.

Аудиторлик текшируви 2000 йил 26-майда тасдиқланган «Аудиторлик фаолияти туғрисида»-ги қонун талаблари асосида аудиторлик фаолиятининг миллий андозалари ва аудит текшируви учун тақдим қилинган бухгалтерия ҳужжатлари, ҳисоботларига таянган ҳолда ўтказилди.


Молиявий ҳисоб кўрсаткичлари тўғри тузилганлиги акциядорлик жамият раҳбарияти зиммасига юклатилган. Аудитор вазифаси ўтказилган Аудиторлик текшируви маълумотлари асосида молиявий хўжалик фаолиятига тегишли ҳужжатлар юзасидан тўғри хулоса беришдан иборат. Аудиторлик текшириш иш хажмининг кўплиги ва текшириш даврининг қисқалигини ҳисобга олиб тақдим қилинган ҳужжатлар танлиб олиб тешириш учун қабул қилинди. Аудиторлик текшируви аудиторлик фаолияти миллий андозалари асосида тузилган режа бўйича ўтказилди.

Аудиторлик текшириш :- 2023 йил 19-апрел куни бошланиб,
2023 йил 29-апрел куни якунланди.

II. ТАХЛИЛИЙ ҚИСМ

1. Жамиятнинг ташкил топиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

«Амударё пахта тозалаш» акциядорлик жамияти «Юлдуз» очик турдаги акционерлик жамияти К.Республикаси Мулкни бошқариш комитетининг 2009 йил 12-декабр кунги № 119-6 К сонли буйруғи билан



қайта ташкил қилинган ва жамиятнинг 2014 йил 07-ноябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қарорига асосан акциялар қиймати ва сони ўзгартирилиб «Амударё пахта тозолаш» акциядорлик жамияти қилиб қайта ташкил қилинган. Жамиятнинг Низоми Амударё тумани Ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида 2014 йил 07- ноябрда №01099 сонли реестр билан рўйхатга олинган, жамиятнинг низоми Амударё тумани Ҳокимлиги ҳузуридаги «Давлат хизматлари маркази»дан 2020 йил 24- августда №01099 сонли реестр билан рўйхатга олинган ва гувоҳнома берилган, асосий ишлаб чиқариш бўйича 17111 рақамли (ОКОНХ) коди берилган.

Акция пакетлари қуйидагича тақсимланган:

Жамиятнинг баланс бўйича йил бошига устав фонди 1284634 минг сўм белгиланган бўлиб, йил охирида 1284634 минг сўм бўлган, асосий восита ва бошқа мулклардан ташкил топган ва тўлиқ шакллантирилиб, баланснинг 8300 устав жамғармаси сче­тида акс эттирилган.

Жамиятнинг устав фондини олдинги йилларнинг соф фойдаси ҳисобидан қўшимча акция чиқариш билан устав фонди жамиятнинг 2020 йил 28-сентябр ойдаги умумий йиғилиш қарорига асосан қўшимча равишда ҳар бир акциянинг номинал қиймати 445 сўм бўлган 1419077 дона оддий ва 24332 дона имтиёзли акциялар чиқарилган ушбу умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланган устави Амударё тумани «Давлат хизматлари маркази»дан 2020 йил 22-ноябрда 01099 –сон билан рўйхатга олинган уставида ҳар бир акциянинг номинал қиймати 445 сўм бўлган 2838154 дона оддий ва 48 664 дона имтиёзли жами 1284634000 сўмлик акциялари бўлган ва акциялар қуйидагича тақсимланган:

	Улуши, %да.	Акциялар сони, дона.	Сўммаси.
«ККПахтасанат» ХАБ	51,0 %	1472244	655 148 580 сўм;
бошқада акциялари	49,0%	1414574	629 485 430 сўм,
Жами :-	100%	2886818	1 284 634 010 сўм.

Жамиятнинг олдинги акциялари учун берилган миллий идентификация рақами (RU103AO190T6, RU203AO190ET4) бекор қилинган ва Қ.Р. Қимматли қоғозлар бозорини мувофқлаштириш ва ривожлантириш марказининг 2014 йил 24-декабр кунги №03/027-2014 қарори билан ўзгартириш киритилиб (RU104AO190T4, RU204AO190ET2) миллий идентификация рақами берилган. Қ.Р. Қимматли қоғозлар бозорини мувофқлаштириш ва ривожлантириш марказининг 2020 йил 29-октябр кунги А-0190-5 сон билан рўйхатга олинган қўшимча акциялари чиқарилгани бўйича (RU105AO190T1, RU205AO190ET9) миллий идентификация рақами берилган.

Ҳуқуқий манзилгоҳи: К.Республикаси, Амударё тумани, Оқ-олтин ОФЙ;



Жамият томонидан ОАТБ AGROBANK Мангит филиалида жорий ва махсус ҳисоб рақамлари ҳам очилган.

Жамият Низомига асосан қишлоқ хўжалик жамиятларидан пахта ҳом ашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаб пахта толаси, техник чигит, уруғлик чигит ва иккиламчи материаллар олиш ва уларни сотиш билан шуғулланиши белгиланган бўлиб жамият текшириш ўз ичига олган даврда тасдиқланган Низомида белгилаб қўйилган фаолият турлари билан шуғулланиб келган.

2. Жамиятнинг ҳисоб сиёсати.

Аудиторлик текширувига жамиятнинг ҳисоб сиёсати тақдим қилинмади.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандарти БХМС N 1 Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий асосда бошқариш тизимининг унсури ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қиладиган усулларнинг йиғмаси тушунилади, молиявий ҳисобот шу усулларга мувофиқ ва уларнинг қоидалари ва асосларига мувофиқ равишда тузилади. Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек турли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари қиёсланишини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради.

Аудиторлик текширувида жамиятда ҳисоб юритиш сиёсати жамият раҳбарининг фармойиши билан юридик ҳужжат сифатида расмийлаштирилмаганлиги ва умум белгиланган тартибда ҳисоб юритилгани маълум бўлди.

Тавсия:


-Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30-август кунги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, БХМС №1 «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида ҳисоб сиёсати ишлаб чиқариш ва тадбиқ этиш.

3. Ички назорат тизимининг тавсифи.

Бухгалтерия ҳисоби тизимининг ҳолати.

Бухгалтерия ҳисоб варақлари Ўзбекистон Республикаси 21-сонли БХМСда белгиланган ҳисоб варақлар режасига мувофиқ очилган.

Дастлабки танишув натижаларига кўра бухгалтерия бончамалари ҳар ойлик журнал ордерларида умумлаштирилиб, уларга зарур бошлангич ҳисоб ҳужжатлари, жамламалари, ойлик ҳисоботлари бириктириб борилган. Аналитик ҳисоб регистрлари, жадваллар, китоб ва журналлар, айланмалар жамламалари, юритилиб ҳар ойлик айланамалар



юрителиб борилган лекин айрим счётларнинг қолдиқлари тўлиқ чиқариб борилмаган.

Бизнинг фикримизча хўжалик операцияларини расмийлаштиришнинг ўз вақтидалиги тулиқлиги ва сифатини ўртадан паст даражада баҳолаш мумкин.

Жамият томонидан ҳисобот йилида ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар ҳамда солиқ ҳисоб-китоблари белгиланган шаклларда ва муддатларда тузилиб тегишли идораларга тақдим этиб борилган.

Мухим аҳамиятли кўрсаткичлар бўйича йиллик ҳисоботдаги, маълумотлар аналитик ҳисоб регистрлари маълумотларига мувофиқ акс эттирилган.

Жамиятда назорат муҳитининг ҳолати.

Дастлабки танишув жараёнида жамият раҳбарияти томонидан ички назорат тизимини белгилаш ва унинг таъминлашга йўналтирилган амалий ҳаракатлари ва назорат натижаларидан уларнинг хабардорлигини баҳолашга эътибор йўналтирилди.

Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ва бошқарув кенгаши жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланади. Жамиятнинг жорий фаолиятига ижро органининг раҳбари- бошқарув кенгашининг раиси умумий раҳбарлик қилади.

Жамиятнинг бўлимлари ва ишловчи хизматчилар бўйича ваколат ва вазифаларини тақсимотлари мавжуд, улар бўйича мансаб йуриқномалари, техника, ёнғин хавфсизлиги йуриқномалари мавжуд лекин фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланиш йўналишлари кўринарли жойларга жойлаштириб қўйилмаган.

Бўлимлар иш фаолиятлари ҳақидаги маълумотлар бухгалтерияда умумлаштирилиб ташқи ва ички фойдаланувчилар учун зарур ҳисоботлар ва маълумотлар тузилиб тақдим этиб борилади.

Жамиятда ҳуқуқшунос штати мавжуд бўлиб, молиявий хўжалик фаолиятини умуман қонунчиликка мослигини назорат қилиб боради. Ички меҳнат интизоми, меҳнат ҳақида бошқа қонунлар, нормалари ҳақида адабиётлари тўплами мавжуд бўлиб зарурият бўлса чет юридик хизматлардан фойдаланилади.

Бизнинг фикримизча жамиятда назорат муҳитини ҳолатини ўртадан паст даражада йўлга қўйилган.

Назорат воситаларининг ҳолати.

Жамиятда ҳужжат айланишининг тўғрилиги бу ҳужжатларда раҳбар ходимларнинг имзолари ва розилик ёзувларининг мавжудлиги ўрганилганда айрим юк хатларида раҳбар ва маъсул ходимларнинг имзолари қўйилмасдан бухгалтерияга тақдим этилган, ҳисоботларни товар моддий бойликларнинг ҳисоботларини юритилиши 4-сон БХМСлар бўйича юритилмаган ва текшириш жараёнида БХМС бўйича тушунчалар берилди.

Жамият бухгалтерия томонидан бошлангич хужжатлардаги ёзувларни ва ҳисоб китобларни арифметик туғрилиги назорат қилиб борилган.

Жамият ижрочи органининг 2022 йил учун Бизнес режаси мавжуд бўлиб, Кузатув кенгашининг йиғилиши қарори билан тасдиқланган.

Жамиятнинг режалаштириш бўлими томонидан режа кўрсаткичларининг бажарилиши, динамикаси тадқиқ қилиниб, салмоқли фарқлар сабаблари таҳлил этиб борилмаган.

Жамият раҳбарияти томонидан моддий жавобгар шахслар рўйхатлари, ишонч хати олишга рухсат этилган ходимлар рўйхати тузилган ва буйруқ билан таъдиқланган, моддий жавобгарлик туғрисидаги шартномаларни ҳар йили янгилаб, тасдиқлаш масалаларига жиддий эътибор талаб этилмаган.

Жамиятда ишонч коғозларини, ҳисоб-варақ фактураларни, буйруқ ва шартномаларни ҳисобини олиб борилган.

Бизнинг фикримизча Жамиятда назорат воситалари қўлланиши ўртача даражада ташкил этилган деб баҳолаш мумкин.

Умуман олганда Жамият миқёсида ички назорат тизими ўртача даражада ташкил этилган бўлиб Аудиторлик текширишларни режалаштиришда ҳисобга олинди.


Шартномалар тузилиши бўйича.

Жамият томонидан хўжалик юритувчи субъектлар талаблари асосида калава ип ва пахта чиқиндилари сотиш бўйича буюртмачи ва бажарувчилар муомилалари 2 томон ўртасида тузилган шартнома асосида бажарилиб келинган. Тузилган шартномалар йиллик муддатларга тузилган.

Ушбу муомилалар бўйича шартномалар юридик шахслар билан Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодекси» ва 29.08.1998 й. N 670-I «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, ҳуқуқий базаси туғрисида»ги қонуни талаблари асосида тузилиши кўрилганда қуйидагилар аниқланди:

Шартномаларда ҳисоб-китоб қилиш тартиби, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёритилган, шартномаларни рўйхатга олиш дафтари кўрилмаган. Аудиторлик текшириш жараёнида сотилган товар моддий бойликлари ёки бошқада кўрсатилган хизматлар ижаралар бўйича шартномалар тақдим қилинмади. Тўлов мудати ўтган дебиторлик қарзларни ўндириш бўйича шартнома шартларига асосланиб хўжалик Судига мурожат қилинган. Суд жараёни давом қилмоқда.

Шартномалар тузилиши белгиланган юқоридаги меъёрий хужжатлар талабига мос келиши ўрганилганда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодекси» ва 29.08.1998 й. N 670-I «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, ҳуқуқий базаси туғрисида»ги қонуни талаблари асосида хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар



юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади» деб кўрсатилган.

Таъсия:

-Шартномалар тузилишида ва расмийлаштирилишида Ўзбекистон Республикасининг "Фукаролик кодекси" ва 29.08.1998 й. N 670-I «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий, ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талабларига риоя қилиш.

Узоқ муддатли инвестициялар.

Жамиятнинг 0690 "Бошқа узоқ муддатли инвестициялар" счётида Мангит АГРОБАНК АТБига киритилган инвестицияси 9975 минг сўмлик қолдиқ мавжуд бўлиб, йил якунидан қолдиқ қолган.

Узоқ муддатли инвестициялар Кузатув кенгаши мажлисининг баённомалари ва бошқа бирламчи ҳужжатлар орқали ҳисобда тўғри акс эттирилган.

2022 йил бўйича жамият узоқ муддатли инвестицияларидан дивидендлар кўринишидаги даромадлар олинмаган.

Узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 25 декабрда 65-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (12-БҲМС) "Молиявий инвестициялар ҳисоби" ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 октябрда 50-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (8-БҲМС) "Консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби" Стандартлари талабларига тўла мос келади. Молиявий инвестициялар бўлими аудит қилинганда, хатоликлар кузатилмади.

Жамиятда 2019 йил 01-апрел куни кузатув кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтган ва қуйидги масла қаралган яъни: "ЎзПахтасаноат" АЖнинг 77/1 сонли хатини ва жамиятнинг 2019 йил 01-апрел ойидаги хати кўриб чиқиш унда "Енгил конструкцияли тикув цехларини фаолиятини муофиқлаштиш мақсадида МЧЖлари ташкил этиш ва ушбу ташкил қилинган жамият уставига "Амударё пахта тозолаш" АЖ 10000000(Ў миллион) сўм улуш билан кириш масаласини кўриб чиқилган.

Жамиятда 2019 йили 02-апрел куни йиғилиш қарори билан «BARAKA PAHTA TEKS» маъсулияти чекланган жамиятининг устав фондини шакиллантириш учун 10000,0(Ўн миллион) сўм улуш сифатида узоқ муддатли инвестиция киритилиб, 0620 –ҳисобида акс эттирилган.

2022 йил 31-декабр ҳолатига узоқ муддатли инвестициялар ҳисобида 10 009 975 минг сўм.

4. Асосий воситалар ва узоқ муддатли активлар ҳисобининг таҳлили.

Жамиятда асосий воситалар ҳисобини бухгалтерия янги ҳисоб варақлар режасининг "0110-0190-асосий воситалар" ҳисобварагида, эскиришини эса 0210-0290 ҳисоб варагида юритиб келинган.

Жамиятнинг активларини сақланишини таъминлаш учун моддий-жавобгар шахслар билан тўлиқ моддий жавобгарлик шартномаси тузилади. Шартномада жавобгар шахснинг паспорт маълумотлари, лавозими, бажариладиган ишлар ва шартнома муддати кўрсатилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида (29.08.1998 й. № 670-1 сон) Қонунга мувофиқ жамиятнинг барча шартномалари юридик экспертизадан ўтади ва ҳуқуқшунос томонидан имзоланади.

2022 йил 01-январ ҳолатига ҳисоботи бўйича асосий воситаларнинг дастлабки қиймати 6952615,493 минг сўмни, эскириш қиймати 342908,528 минг сўмни ва қолдиқ қиймати 6609706,965 минг сўмни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18-мартдаги "Республика ҳудудида пахта-тўқмачилик ишлаб чиқаришини жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 230-сонли қарорига ҳамда "Амударё пахта тозалаш" акциядорларининг умумий йиғилишининг қарорига асосан акциядорларга тегишли мол-мулклар оммавий савдолар орқали сотиш белгиланган.

Ушбу қарор асосида «Амударё пахта тозалаш» АЖи кузатув кенгашининг 2020 йил январ ойидаги йиғилишда акциядорлик жамиятининг барча мол мулкларни ҳамда бир дона акциясининг бозар баҳосини аниқлаш учун баҳолаш ташкилоти билан шартнома тузиш бўйича қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18-мартдаги "Республика ҳудудида пахта-тўқмачилик ишлаб чиқаришини жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 230-сонли қарорига ҳамда «Амударё пахта тозалаш» акциядорларининг умумий йиғилишининг қарорига асосан акциядорларга тегишли мол-мулклар оммавий савдолар орқали сотиш белгиланган.

«Амударё пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг 2020 йил 20-август куни бўлиб ўтган умумий йиғилиш қарорига асосан жамиятнинг бино-иншоотлари ва асосий воситалар, бошқада мол-мулклари «AMUDARYOTEX» ХК маъсулияти чекланган жамиятига умумий қиймати 5-йил муддатда бўлиб тўлаш(тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шарти билан тўлаш белгиланиб йиғилиш қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар ҳамда «Амударё пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг умумий йиғилишининг қарорига асосан жамият ва «AMUDARYOTEX» ХК маъсулияти чекланган жамияти ўртасида бино, иншоотлар ва мол-мулкларни 29170073,2 минг сўм қийматда беш йил муддатда тўлаш шарти билан икки томанлама 2020 йил 04-октябр кунги №40 Рақамли шартнома тузилган. Ушбу шартноманинг иловасида тўловлар ҳар бир ой якуни бўйича тўланиши кўрсатилиб икки томанлама имзолаган.

2021 йил март ойида асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 21269403 минг сўм уларга ҳисобланган эскириш қиймати 5634679 минг

сўмлик ва қолдиқ қиймати 25634724 минг сўм бўлган асосий воситалар сотиш кўринида «AMUDARYOTEX» ХК МЧЖи беш йил мудатга бўлиб тўлаш шарти билан сотиб берилиб ҳисобдан чиқарилган.

Жорий йилда жамият баласида қолдиқ бўлган асосий воситалар сотиш учун аукционга қўйилган шу сабабли, асосий воситаларга 2022 йилда эскириш ҳисобланмаган.

2022 йил 31- декабр ҳолатига ҳисоботи бўйича асосий воситаларнинг дастлабки қиймати 6952615,906 минг сўмни, эскириш қиймати 342908,941 минг сўмни ва қолдиқ қиймати 6609706,965 минг сўмни ташкил қилади.

Тавсия:

Асосий воситаларни ЎзР АВ 28.08.1998 йил №486 рўйхатга олинган ва Ўз МВ 27.08.1998 йили № 44 тасдиқланган 5-сон БҲМСнинг 54-55 моддасига асосан асосий воситалар камида икки йилда бир шартнома инвентаризациядан ўтказиш белгиланган шу асосида 19-сон БҲМСда белгиланган тартибида асосий воситаларни инвентаризациядан ўтказиб асосий воситаларнинг техник ҳолатини аниқлаб таҳлил қилиш, инвентаризация якуни бўйича ҳар бир асосий воситага алоҳида ҳисоб очилиб қолдиқ қиймати, ҳисобланган эскириш қиймати бўйича қолдиқ қийматларни қайтд қилиб бориш. Асосий воситаларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқаришда 8510 ҳисобидан қайта баҳоланган қисмини қайт қилиб бориш. Асосий воситаларнинг ҳисоботларини ЎзР АВ 09.12.2014 йил 1299-1 –сон билан рўйхатга олинган «Асосий воситаларни баланс ҳисобидан чиқариш тўғрисида»ги ЎзР МВ буйруғи асосида юритиш.

5. Ғазнадаги пул маблағлари ҳисобининг аудити.

Жамият ғазнасида жорий йил давомида нақд пул маблағлари ғазнага кириш қилинмаган, банк кўчирмаси билан таққосланганда фарқ аниқланмади.

6. Жамиятнинг банкдаги жорий ва маҳсус ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг аудити.

Жамиятда банкдаги ҳисоб рақамлари бўйича ҳисоб китоблар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб китоблар тўғрисида» ги Низом талаблари асосида юритилган.

Жамият бухгалтерияси томонидан банкдаги жорий ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг ҳисоби ва маҳсус рақамлардаги пул маблағларининг ҳисоби 5110,5120 ҳисоб варақларда, банкдан олинган кўчирмалар билан узвий боғлиқ ҳолда юритиб борилган.

Жамиятнинг барча турдаги ҳисоб рақамларида йил бошида 69888 минг сўм қолдиқ бўлган ва ҳисобат даври давомида барча турдаги ҳисоб рақамларига кириш бўлган маблағлари йил давомида фақат ўз мақсадли

йўналишлари бўйича ҳисоб рақамларидан чиқим бўлган ва йил якунида 176 минг сўм қолдиқ қолган.

Йилнинг якуний балансида ҳисоб рақамларидаги қолдиқ(360) қолдиқ бўлган ҳисоботлар бўйича бўйича ҳам қолдиқ бўлмаган.

Барча турдаги ҳисоб рақамларидан кирим ва чиқим бўлган пул маблағлари банк тамонидан тақдим қилинган кўчирмалар асосида бухгалтерия правдқалари берилиб борилган ва ой якунидаги қолдиқлар таҳлил қилиниб борилган.

Ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари ҳаракати 2-сон журнал ордерида бухгалтерия праводкалар берилган, ҳисоб рақамларидаги маблағлари ҳаракати учун бухгалтерия праводкалари банкдан берилган кўчирмаларида кўрсатилган оборотларига тўғри келади.

7. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва унинг ҳисоби.

Жамият томонидан ишчи ва хизматчиларига меёрий хужжатларга асосан, белгиланган тартибда иш ҳақи ва бошқа даромадлар ишбай, вақтбай асосда, катнашган иш кунлари ва иш нормалари ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб борилган.

Жамиятда 2022 йил бошига 12 нафар, йил охирига 12 нафар ишчи ходимлар меҳнат қилиб келган. Шундан ўриндошлик ва касаначилар бўлмаган.

Жамиятда ишловчилар билан тузилган меҳнат шарномалари бир маротабалик бўлиб, муддати доимий тузилган. Моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган, меҳнат дафтарчалари тўлдирилган ва сейфда сақланади. Ишга кириш билан боғлиқ барча тегишли хужжатлар расмийлаштирилган ва ШЖБПФ дафтарчалари мавжуд. Ишлаб чиқариш бўйича буйруқлар ва ходимларни ишга юриши, ишдан бўшаши, меҳнат отпускеси берилиши ва бошқа кадрлар бўйича буйруқлар алоҳида расмийлаштириб келинган. 2022 йил учун меҳнат отпускеси графиги ишлаб чиқилган.

Жамиятда ходимларнинг ҳафталик иш кунлари 6 иш кун белгиланган ва шунга асосан бошқарув ва ишчи ходимларга табель асосида штат жадвали бўйича асосий иш ҳақи ҳисоблаб борилган.

Бундан ташқари меҳнат битимида келишилган шартлар асосида ҳисоб-китоблар амалга ошириб борилган.

Ишчи хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа даромадларни ҳисобини юритиш учун махсус андозадаги иш ҳақи китобида юритилган.

Жорий йил бошига иш ҳақидан 76369 минг сўм қариздорлик бўлган.

Ҳисобот 2022 йили якуни бўйича жамият бухгалтерияси томонидан ишчи ва хизматчиларга жами бўлиб 600200 минг сўмлик иш ҳақи ва бошқа турдаги даромадлар ҳисобланган бўлиб шундан:

(Минг сўмда)

Ҳисобланган даромадлар	Сумма
АУП	195 552,1
Транспорт бўлими	163 379,1

Иш ҳақидан ушламалар ва тўламлар	Сумма
Доромад солиғи	65 641,3
Пенсия жамгар	551,6

Гулистан ПТМ ишчилари	34 674,3	ИНПС, 1%	
Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси	97 143,0	Пластикдан иш хақи учун	615 616,3
Фуқоравий шартнома	60 858,8		0 0,0
Жами:	551 607,2		0 0,0
		Жами:	681 809,2

Иш хақидан бўлган ушламаларни танлов асосида тахлил қилинганда яъни: иш хақи ҳисобидан тўлови ва бошқада тўловлари учун ҳисоб рақамидан йил давомида ўтказиб берилган маблағлари иш хақи ҳисоблаш китобида иш хақида тўлиқ ушлаб қолинган.

Ҳисобатлар бўйича йил якунидан иш хақидан қариздорлик 1278 минг сўм кўрсатилган, якуний балансда олгидорлик(0900, 4200, 4700) ҳисобларида олгидорлик кўрсатилмаган.

Ҳисоботлар бўйича 2023 йил 01-январ ҳолатига жамиятнинг иш хақи тўловлари бўйича ишловчилардан қарзи 1278 минг сўм баланс бўйича (код-720) 1278 минг сўм бўлиб ҳисоботга нисбатан фарқ борлиги аниқланмади.

8. Дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувлар ҳисоби.

Жамият бухгалтерияси томонида дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашувларни амалга ошириш учун 4730,4890,6010,6110-6120,6970,6990-ҳисоб варақлар белгиланган тартибда юритиб борилган.

Дебиторлик қарздорликлар қолдиғи:
(Минг сўмда)

Счета	Счётлар номи	Йил бошига қолдиқ	Йил охирига қолдиқ
4100	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятиларнинг қарзи	966 637	764 280
4400	Бюджетга бунақ туловлари	68 059	4 792
4500	Ижтимоий солиқдан тўловлар	147 290	215 412
4800	Бошқада дебитор қариздорликлар	266 664	1 656 970
	Жами	1 448 650	2 641 454

Йил бошига дебиторлик қарздорликлар 1448650 минг сўм бўлган бўлиб чорак якуни бўйича йил бошига нисбатан фарқи 1192804 минг сўм бўлиб йил бошига нисбатан 83,3%га кўпайган шуъба жамиятлар ҳисобига 202280 минг сўмга камайган, бюджетга бунақ туловидан 63267 камайган ва бошқада дебиторлар ҳисобига 1390306 минг сўмга кўпайган.

Кредиторлик қарздорликлар қолдиғи:

(Минг сўм)			
Счета	Счётлар номи	Йил бошига қолдиқ	Йил охирига қолдиқ

6000	Мол етказиб берувчиларга бўлган қариздорликлар	407 677	407 677
6100	Ички тизимдаги жамиятлар ва бирлашмага қариздорликлар	17 515 237	17 575 280
6400	Бюджетга бўлган қариздорликлар	314 666	11 427
6500	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар	36 682	349
6600	Таъсисчиларга дивидент учун тўловлар	755 200	608 551
6700	Иш ҳақидан қариздорликлар	131 480	1 278
6900	Бошқада кредитор қарздорликлар	1 013 426	270 197
7200	Солик ва мажбурий тўловларнинг кечиктирилган қисми	0	0
	Жами	20 174 368	18 874 759

Йил бошига кредиторлик қарздорликлар тўртинчи чораги якуни бўйича йил бошига нисбатан 1299609 минг сўм 6,4%га камайган. Бошқада кредиторлик қарзлардан 1359652 минг сўм ва асосан ички тизимдаги жамиятлари қариздорликлари 6043 минг сўм кўпайиши ҳисобидан камайган.

Тавсия :

1995 йил 12 – май кунги ПФ – 1154 ва 1999 йил 19 – июл кунги ПФ – 2340 сонли фармон талабларига тулиқ амал қилиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ҳар чорак давомида таҳлил қилиб бориш дебитор қарздорликлари бор бўлган ташкилотлар билан солиштирама ҳисобномалар тузиб бориш, муддати ўтган дебиторлик қарздор ташкилотлар бўйича иқтисодий судларга мурожат қилиш ва муддати ўтган дебиторлик ва кредиторликлар ҳосил қилмаслик.

9. Товар моддий захираларини ҳисоби.


Жамият томонидан товар–моддий захиралар ҳисобини бухгалтерия ҳисоб режасининг 1010-1090,2810,2910 ҳисоб варақларда юритиб келинган.

Жамиятда ишлаб чиқариш узлуксизлиги ва муомала харажатлари учун зарур бўлган моддий бойликлар ҳисобдор шахслар зиммаларига ҚҚС ни чегирган ҳолда кирим қилиб келинган.

Жамиятда моддий жавобгар шахслар билан жавобгарлиги тўғрисида шартномалар тузиб имзоланган.

Товар моддий бойликлар ҳисоботларида яъни марказий омборнинг товар моддий бойликлари ҳисоботларида чиқим хужжатларида товар моддий бойликларни ишлаб чиқаришга ёки сотиш учун чиқим қилинган.

Жамиятнинг марказий омборида йил бошида 1103070 минг сўмлик товар моддий бойликлар қолдиғи бўлган жорий йил довамида асосан ёнги маҳсулотлари 9534,2 минг сўмлик ҳисобланган ҚҚСги 1430,1 минг сўм хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан 94372,5 минг сўмлик ҳисобланган ҚҚСги 4813,1 минг сўмлик кирим бўлган ва жорий йилда жами бўлиб

 Б.С.Лиризаров

24525,3 минг сўмлик жамият харажатлари учун сарф харажат қилинган ва йил якунида 982116 минг сўм қолдиқ қолган.

Тавсия:

Товар моддий бойликлари ҳисоботларини ҳар ой якуни бўйича тўлиқ қабул қилиниб, кирим ҳисоб варақлари бўйича ишончнома муддатида тўла амал қилинган ҳолда қабул қилиш, шлаб чиқаришдаги моддий жавобгарлар ҳисоботларини ҳар ой якуни бўйича ҳисоботларини тақдим қилиш. Товар моддий захираларнинг ҳисоботларини янги таҳрирдаги БХМС-4 талаблари асосида юритиш ва шу стандартга асосланиб инвентаризациядан ўтказиш, автомобиллар ва тракторларга ўрнатилган шиналар ва аккумуляторларга карточкалар очилиб автомобилларнинг ҳар ойда босиб ўтган масофасини ҳисоботлар бўйича қайд қилиб бориш.

10.Харажатлар ҳисобининг аудити.

Ишлаб чиқариш харажати ҳисоби.

Жамият томонидан асосий ишлаб чиқишга қилинган харажатлар ҳисобини бухгалтерия ҳисоб варақлар режасининг «2010,2310,2320,2510,2710,2720,2730» ҳисоб варақларида юритиб келинган.

Ҳисоботлар бўйича асосий ишлаб чиқариш харажати 76919400 минг сўм бўлган, аудиторлик текшириш тахлили бўйича қўшима ҳисобланган харажатлар ҳисобига сарф харажатлари ҳисобланди.

Аудиторлик текшируви даврида жамият бошланғич хужжат кўрсаткичларига асосан харажат таркиби кўриб чиқилганда жамият томонидан ушбу ҳисобни юритишда айрим бухгалтерия ўтказмалри тўғрисида тўғри сотишга берилган.

Тавсия:

Асосий ишлаб чиқариш сарф харажатларини яъни ишлаб чиқариш ҳисобчиси ҳисоботларини ҳар ой якуни бўйича бош дафтар қолдиқлари билан таққослаб бориш ва харажатлар таркиби тўғрисидаги низом талаблари асосида ҳисоботларни юритиш сарф қилинган эҳтиёт қисмларнинг ҳисоботини ўз вақтида олиниб сарф харажатлар ўз вақтида харажатлар таркибига киритиш.

11. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланиши ҳамда тўланишини текшириш натижалари.

Жамият умумбелгиланган солиқлар тўловчиси ҳисобланади ва қўйидаги солиқлар ва мажбурий ажратмаларни тўлайди:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) қўшилган қиймат солиғи;

- 3) мол-мулк солиғи;
- 4) тўланадиган дивидендлардан олинадиган солиқ;
- 5) Ижтимоий солиқ ва жисмоний шахслардан даромад солиғи;
- 6) Ер солиғи тўлов:

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 128-моддасига асосан, солиқ солиш базаси жами даромад билан чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида, Солиқ кодексининг 158-моддасининг тўртинчи қисмида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар ҳамда Солиқ кодексининг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши суммалари инобатга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади.

Харажатлар солиқ солинадиган базани шакллантиришда асосий объектлардан бири ҳисобланади. Солиқ кодекси харажатларни икки гурўҳга ажратади: Ҳисобот бўйича 8100,9 минг сўм фойда солиғи ҳисобланган, чегирадиладиган харажатларига таркибига киритилмайдиган 22300,180 минг сўмни инобатга олиниб ҳисобот бўйича 11445,9 минг сўм ҳисобланди.

1. Чегириб ташланадиган харажатлар
2. Чегириб ташланмайдиган харажатлар

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби
(минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	Жамият маълумотлари бўйича
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўлангунга қадар фойда (зарар) ("Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" - 2-сонли шаклнинг 240-сатри)	407 397,405
Чегириладиган харажатлар	331 090,850
Олинадиган дивидендлар	0
Солиқ солинадиган база – жами	76 306,555
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкаси	15%
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси – жами	11 445,982

Мол-мулк солиғи

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 267-моддасига асосан, мол-мулк солиғининг солиқ солинадиган базасига:

- асосий воситалар бўйича - кодастр хужжати қиймати асосида олинди.
- норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва қурилишга тугалланмаган асбоб-ускуналар бўйича - тугалланмаган қурилишнинг қурилишга тугалланмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати киритилади.

Кўрсаткичлар	минг сўмда	
	Сатр Код	сумма
Ҳисобот даврида ҳисобга олинадиган мулк қиймати суммаси	10	6 271 000,0

Солиқ ҳисобланмайдиган мулк қиймати суммаси	20	0
Солиқ ҳисобланадиган базас сўмаси (010-сатр + 020-сатр)	010	6 271 000,0
Солиқ ставкаси	020	1,5%
Бюджетга тўланадиган мулк солиғи суммаси	030	93 173,0

Ер солиғи бўйича.

Жамиятнинг кодастр хужати бўйича 6,70 га қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонига Ўз.Республикасининг белгиланган ставкаси бўйича 1-га ер майдонига 1175738,1 сўмдан жами бўлиб 11169,51 минг сўм ер солиғи ҳисобланган.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоби.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаш Солиқ Кодексининг VII-булим 35-боб 197-200-моддаларига асосан солиқ ҳисобланадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Жорий йил давомида жами сотишлар 354258,613 минг сўм бўлган, солишга нисбатан ҚҚС 53138,782 минг сўм ҳисобланган.

Жорий йил давомида жами бўлиб киримга олинган ҳисоб варақ фактуралари қиймати 96428,734 минг сўм ҚҚСси 34860,181 минг сўм бўлиб шундан ҳисобга олинадиган қийматлари кирим суммаси 34860,181 минг сўм ҚҚСси 5228,780 минг сўмга киримга олинган, ҳисобга олинмайдиган ҳисоб варақлар 61568,553 минг сўм, ҳисобланган ҚҚСси 3165,654 минг сўм. Жорий йил бўйича жами бўлиб ҳисобланган ҚҚС қиймати қуйидагича бўлган.

минг сўмда

Кўрсаткичлар	Сатр Код	Сумма
Ҳисобот даврида ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммаси	10	5 228,780
Солиқ обороти бўйича ҚҚС суммаси	20	53 138,792
Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммаси	50	47 910,012

Ижтимоий солиқ тўлов.

Ижтимоий солиқ тўлов ҳисоблаш солиқ кодексининг XV бўлим, 51-боб, 305-311 моддалари асосида ҳисобланадиган базадан келиб чиқиб, ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланди.

Солиқ солинадиган база солиқ кодексининг 172-моддасига мувофиқ тўланадиган даромадлар сифатида белгиланади.

минг сўм

Ёзув мазмуни	Код	Ижтимоий солиқ	Иш ҳақидан доромад солиғи.	ЖБПЖ 0,1%
Хисобланган тўловлар	010	572 993,4	572 993,4	
Солиқдан озод қилинган тўлов	012	0	0	
Солиқ базаси	040	572 993,4	572 993,4	
Солиқ ставкаси		12,0%	12,0%	0,1%
Хисобланган ижтимоий солиқ.	060	68 759,2	68 759,2	572,993
Жами солиқлар:		68 759,2	68 186,2	572,993

12. Даврий ва молиявий харажатлар ҳисоби.

Жамият томонидан давр харажатлари бухгалтерия ҳисоб варақлар режасининг 9410,9420,9430 ҳисоб варақларидан фойдаланган ҳолда юритиб келинган.

Ҳисоботлар бўйича 2022 йил ҳисобот даврида жами давр харажатлари 727712 минг сўм хисобланган шундан сотиш харажатлари 52074 минг сўм, маъмурий харажатлар 309927 минг сўм ва бошқада харажатлар 365711 минг сўм бўлган, аудиторлик текшириш давомида фойда солиғи ҳисоботида харажатларини қайта таҳлил қилиб фойда солиғини қайта ҳисоб китоб қилиш тавсия қилинди.

13. Ўз маблағлари манбалари ҳисоби.


Жамиятнинг 8300 «Устав капиталини ҳисобга олувчи счёт» ҳисобида 2022 йил бошига 1284634 минг сўм бўлган ва йил якунида ўзгаришсиз бўлган.

8500 «Резерв капитал» ҳисобидаги қолдиқ 2022 йил бошига 608997 минг сўм бўлган жорий йилда ўзгаришсиз қолдиқ бўлган.

8700 «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счёт» ҳисобида 2022 йил 01-январь ҳолатига олдинги йиллар қопланмаган фойдаси бўйича қолдиқ 312399 минг сўмни ташкил қилган ва жорий йил фойдаси кузатув кенгашининг қарори чиқарилиб фойда тақсимланган ва бухгалтерия ўтказмалари берилган.

Акциядорлик жамиятининг 2023 йил 29-июн кунги умумий йиғилишининг масаласи бўйича жамиятнинг 2023 йил умумий йиғилиш қарори бўйича, 2020 йилда тақсимланмай қолдирилган 110515,9 минг сўм ва 2021 йилдаги соф фойдаси 1776856,821 минг сўм жами бўлиб 1387372,778 минг сўм бўлиб қуйидагича тақсимлаш бўйича 2021 йил якуни бўйича соф фойда тақсимоотида инобатга олиш бўйича қабул қилинган.

Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича 35611 минг сўм соф фойда олинган бўлиб жами 942472,385 минг сўм соф фойда тақсимланган шундан: соф фойданинг 5-фоизи 88842,841 минг сўми захира фондига, 31,8-фоизи 600184,543 минг сўми акциядорларга дивидент тўловига, жамият бошқарув органиаъзолари ва тафтиш комиссияси аъзоларин



инвестиришга 60395,929 минг сўм, кузатув кенгаши аъзоларига инвестиришга, 60395,929 минг сўм, ва соф фойдасининг қолган қисми 1077553,536 мин сўми 2022 йил соф фойдаси тақсимотида инobatта тақсимланмаган фойда ҳисобида қолдирилган.

Жорий йилда жамият йилни 39998 минг сўм соф фойда олиш билан таъминланган.

Тақсимланмаган фойдада (39998+1077553,536) 1117551,536 минг сўм қолдирилган бўлиши керак якуний балансда 352397 минг сўм кўрсатилган, нисбатан (1117551,536-352397) 765154,536 минг сўм фарқ қолдирилган аниқланди.

14. Махсулот (иш ва хизмат)ларни сотиш ҳисоби уларнинг таннархи, бошқа даромадларнинг таҳлили.

Ҳисоботлар бўйича 2022 йил ҳисобот даври якуни бўйича асосий махсулот ва хизматларни сотиш натижалари таҳлил этилганда ҳисобланган даромад ва харажатларни ҳисобга олиган ҳолда олинган соф тушум 354259 минг сўм сўм, уларнинг таннархи 310290 минг сўм, асосий сотишнинг ялпи фойдаси 43969 минг сўм ҳисобланди.

15. Жамият фаолиятининг молиявий натижалари.

Жамият томонидан 2022 йил ҳисобот даври якуни бўйича тузиб тақдим этилган молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда ҳисобот йилининг соф фойдаси 39998 минг сўм ҳажмида акс эттирилган бўлиб, аудиторлик текширувида киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги молиявий натижалар ҳисобланди:

- Махсулот сотишдан соф тушум	354259 минг сўм
- Сотилган махсулот таннархи	310290 минг сўм
- Сотишдан олинган ялпи фойда	43969 минг сўм
- Давр харажатлари	727712 минг сўм
- Асосий фаолиятдан бошқа даромади	730800 минг сўм
- Молиявий харажатлар	0.0 минг сўм
- Солиқ тўлагунча фойда	47057 минг сўм
- Фойдадан солиқ тўловлари	11446 минг сўм
- Ҳисобот йилини соф фойдаси	35611 минг сўм

III. ЯКУНИЙ КИСМ.

Ҳисобот бўйича жамиятнинг 2022 йил якуни билан махсулот (товар, иш ва хизматларни) сотишдан олинган соф тушум 1085059 минг сўм бўлиб, бу кўрсаткич бизнес режадаги 1371891 минг сўм режага нисбатан 286832 минг сўм кам сотиш бўлаган.

Ҳисобот даврида олинган 1085059 минг сўм даромад қуйидагиларни ташкил қилади:

Минг сўмда



Кўрсаткичлар номи	Режа бўйича	Ҳисобот бўйича	Фарқи режага нисбатан кам	Фарқи режага нисбатан ортиқча	%даги нисбати
Даромад	0	354 259	0	354 259	0,0%
Таннарх	0	310 290	0	310 290	0,0%
Давр харажатлари	725 440	727 712	0	2 273	100,3%
Бошқада даромадлар	1 371 891	730 800	641 091	0	53,3%
Молиявий харжатлар	120 000	0	120 000	0	0,0%
Солиқ тўлагунча фойда	526 451	47 057	479 394	0	8,9%
Фойда солиғи	44 582	11 446	33 136	0	25,7%
Соф фойда(зарар)и	481 870	35 611	446 258	0	7,4%

Бизнес режанинг бажарилишини, таҳлил қилиш давомида молиявий ҳисоботни шакллантиришда бизнес режага нисбатан баъзи тафовутлар борлиги кузатилди. Хусусан, даромад олиш режаси 79,09%га бажарилган, таннарх ҳам режага нисбатан 143,09%га ошган, фойда солиғи ҳисоблаш ҳам режага нисбатан 33136 минг сўм кам ҳисобланган. Жорий йил якунидан соф фойда олиш режаси 446258 минг сўмга кам бажарилиб режа 7,4%га бажарилгани аниқланди.

Жамиятнинг асосий иқтисодий ҳолатини баҳолаш бўйича кўрсаткичлари :


Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 14.04.2005 йилда №1469 рўйхатга олинган жамиятларнинг иқтисодий тўлов қобилиятини назорат қилиш кўмитасининг 16.03.2005 йилдаги №ГС-05.0271/1 «Молиявий хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва мониторинг ўтказиш қоидаги йуриқномаси»га асосан аниқланди.

Балансинг копланиш коэффиценти - Жорий активларнинг жорий мажбуриятларга нисбати. Ушбу кўрсаткич 1,25 дан паст бўлган ҳолатларда жамланманинг тўлов қобилияти пастлигидан далолат беради.

Оборот маблағлари билан таъминлангансўмлик коэффиценти – молиявий баркарорсўмликни таъминлаш учун шахсий оборот билан таъминлангансўмлик кўрсаткичини белгилайди. Ушбу кўрсаткич 0.2 дан паст бўлса оборот маблағлари билан таъминланмаган ҳисобланади.

Рентабеллик даражаси коэффиценти – молиявий хўжалик фаолиятининг маълум бир даврида жамланманинг фойдаси (зарари) даражаси кўрсаткичини белгилайди. Ушбу кўрсаткич 0,05 дан паст бўлса, паст рентабеллик ҳисобланади.

Шахсий маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати бўйича коэффиценти – қисқа муддатли жорий мажбуриятларни қайтариш қобилияти бўйича кўрсаткичини белгилайди. Норматив коэффиценти 0,05.



Коеффициентлар	Кўрсаткичлар ҳисоби	31.12.2022 й ҳолатига	Кўрсаткичлар характеристикаси
Балансинг копланиш коэффициенти	$\frac{A2}{P2-DO}$	0,21	>1.25 тўлов қобиятли
Оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (молиявий баркарорлик)	$\frac{P1+D3K2-A1}{A2}$	-3,79	>0,2 оборот маблағлари билан таъминланган
Шахсий маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати коеффициенти	$\frac{P1}{P2-DO}$	0,95	>0.05 қисқа муддатли жорий мажбуриятларни қайтариш қобияти
Рентабеллик даражаси коэффициенти	Фойда солиғи ҳисоб- лангунча фойда харажатлар	0,05	>0.05 рентабеллик

Жамиятнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинганда жамиятнинг рентабеллик даражаси ўртача, қисқа муддатли жорий мажбуриятларни қайтариш қобияти юқори, лекин оборот маблағлари билан таъминланиш кайфиенти манфий бўлиб ва тўлов қобияти бўйича норматив коеффициентдан паст бўлганлиги аниқланди.

III. ЯКУНИЙ ҚИСМ

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари 21-БҲМС асосида янги ҳисоб варақлар режаси асосида мемориал ордер формасида юритилган. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари тўлиқ компьютерлаштирилган. Очетлар бўйича ойма ой ҳар қайси счётлар ва аналитик счётлар бўйича оборот ведомостлари ва бош китоблар илова қилиб борилган.

Харажат ва даромадлар ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотлар (иш хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида»ги Низоми асосида олиб борилган.

Харажат ва даромадлар ҳисоб варақлар ҳар чоракда ёпиш ва улар орасидаги фарқ режа асосида жамият фойдаси ёки зарарини аниқлаб боримаган, харажатлар режага нисбатан таҳлил қилиниб дастурлар тузилмаган.

Молиявий фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва ҳисоб ҳужжатларини сақланишини таъминлаш, бухгалтерия ёзувларини

ўз вақтида аниқ ва тўлиқ бўлишини таъминлаш ҳамда ўз вақтида ишончли маълумот тайёрлаш бош ҳисобчига юклатилган.

Аудиторлик текшируви якуни бўйича.

- Асосий восита ва инвентар, материаллардан фойдаланиш ва ишлатишда тежамкорликка риоя қилиш улар бўйича ҳисоботларни белгиланган тартибда тузиш ва расмийлаштириш.

- Моддий жавобгар шахслар зиммасидаги моддий қийматликлар БҲМСга асосан материаллар бир йилда бир маротаба ва асосий воситалар камида икки йилда бир маротаба инвентаризациядан ўтказиш ва инвентаризация натижасини аниқлаб бориш.

-Моддий жавобгарларнинг товар моддий бойликларининг ҳисоботларини ҳар ой якуни бўйича тўлиқ ёзилишини ва чорак якуни бўйича таҳлил қилиб боришни ташкил қилиш, ТМЗ ҳисоботларини миқдор ва суммаси кўринишида қабул қилиш.

-Дебиторлик қарздорликлар бўйича 1995 йил 12 – май кунги ПФ – 1154 ва 1999 йил 19 – июл кунги ПФ – 2340 сонли фармон талабларига тўлиқ амал қилиш ва қархоналари кесмида таҳлил қилиб бориш.

- Жамиятнинг бўлимлари орасида ҳисоботларнинг боғлиқларига ақамият бериш ва таҳлил қилиб бориш.

- Жамиятнинг чораклик ҳисоботлари маълумотлари иқтисодчи томонидан бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши, динамикаси тадқиқ қилиниб, салмоқли фарқлар таҳлил қилиб боришини таъминлаш.


-Жамиятнинг йиллик баланси бўйича айрим иқтисодий кўрсаткичлари ишёрлар паст кўрсаткичлар билан якунланган ушбу кўрсаткичлар бўйича амалий дастур ишлаб чиқиш.

- Материал ҳисоботлар белгиланган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигидан 07.08.1998 йил №44-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 28.08.1998 йил №486-сон билан рўйхатга олинган БҲМС-4 асосида ҳисоб сиёсатини юритиш, моддий жавобгарларнинг ҳисоботлар тақдим қилишнинг бир хиллигини таъминлаш.

- Шартномалар тузишда қонун ва низом талабларига риоя қилиш. Маҳсулот сотиш (иш бажариш)да олдиндан тўловсиз маҳсулот сотмаслик ва дебиторлик қарзларни қисқартириш масалаларига алоҳида этибор бериш ва тўлов муддати ўтишига йўл қўймасликга этибор берилишни таъминлаш.

- Харажат ва даромадларни расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдаги харажатлар тартиби ҳамда Молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисидаги Низом», солиқларни ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси талабларига тўла амал қилиш.

-Ушбу аудиторлик текширишда киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда қайта тузилган ҳисобот ва солиқ ҳисоб-китобларини ҳудудий солиқ идорасига белгиланган муддатларда тақдим қилиш.



«NAZORAT-AUDIT»
АТ директори



Б.Б.Назаров

«Амударё пахта тозолаш»
АЖ раиси :

Н.Б.Розбаев

АЖ бош ҳисобчиси

Н.А.Бобожонов